

**СУФД МУНШАОТИДА БОШЛОВ ФОРМУЛАСИ
УСЛУБИЯТИГА ДОИР**



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7335651>

М.М.Исхоков

Тошкент давалт шарқшунослик университети
тарих фанлари доктори, профессор

Аннотация. Мақолада сүгд халқининг юксак ёзув маданияти, Буюк ипак йўли тармоқлари бўйаб сүгдларнинг савдо-иқтисодий ва маданий муносабатлар ривожидаги ўрни, маҳкамачилик анъаналари, хат (мактуб) ёзишичалик анъаналари, мактубларда қўлланган юксак ёзма нутқ услубияти ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: Сүгд, сүгд ёзуви, мунишоат, маҳкамачилик, бошлов формуласи, Буюк ипак йўли, сүгдий матнлар, Хўтан, Хитой.

Аннотация. В статье анализируются сведения о высокой письменной культуре согдийского народа и её роли в развитии торгово-экономических и культурных взаимоотношений на различных направлениях Великого шелкового пути. Рассматриваются вопросы, связанные с традициями канцелярского делопроизводства и высокоразвитыми стилями формул начал в согдийском эпистолярном жанре.

Опорные слова: Согд, согдийское письмо, письма, канцелярское делопроизводство, формула начала документов (писем), Великий шелковый путь, согдийские тексты, Хотан, Китай.

Annotation. The article analyzes information about the high written culture of the Sogdian people and its role in the development of trade, economic and cultural relations in various directions of the Great Silk Road. The issues related to the tradition of clerical office work and the highly developed styles of start formul in the Sogdian epistolary genre are considered.

Key words: Sogd, Sogdian right, letter, clerical office work, start formula for documents (letters), The Great Silk Road, sogdian texts, Khotan, China.

Мил.Х-XI асрларга келиб, ўша даврда шаклланаётган ўзбек ва тожик этнослари билан ассимиляциялашиб тарих саҳнасидан тушган Суғд халқи ҳақидаги ёзма маълумотлар қарийб уч минг йиллик тарихга эга. Зардустийлик (Мазда Ясна) динининг муқаддас китоби Авестанинг Видевдот китобида ўтлоқлари бўлиқ, моллари семиз, тўқ ва фаровон Гава юртида суғдлар яшайдилар, деган хабар сақланган¹. Яшт (маъбудлар ҳақига алқовлар) китобининг Ардвисура Анахитага бағишлиланган қисмида Амударёнинг муқаддас сувлари оқиб ўтадиган фаровон юртлар қаторида Суғд ерларига ишорат учрайди². Кейинроқ эса Аҳмонийлар Эрон салтанати сатрапликлари қаторида Сугуда шаклида бу юрт номи алоҳида қайд этилган³. Мазкур салтанат подшолари саройида табиб вазифасида хизмат қилган Ктесий мамлакат ҳудудлари ҳақида берган маълумотларида Суғд ҳақида ёзган. Антик юонон ва Рим тарихчилари ҳамда географлари Суғд номини Согдиана шаклида кўп бора

¹. Авесто. Видевдот китоби. Тошкент. Мумтоз сўз. 2017. Б.8-9.

². Авесто. Яшт китоби. Тошкент. Шарқ матбаа концерни. 2001. Б.49-50.

³. Манбашунослик. Муаллифлар жамоаси. Турон-иқбол нашриёти. Тошкент. 2019. Б.60-70.

такрорлаганлар⁴, Хитой манбалари Суғдни Сули шаклида мил авв III-II асрлардан бошлаб билади. Буюк ипак йўли шаклланган даврларда эса суғдлар халқаро савдо йўлларининг асосий фигурасига айланганлар⁵. Бу даврда суғдлар ҳақидаги ёзма маълумотлар шу қадар кўпайганки, буларнинг манбашунослик тадқики масаласининг ўзиёқ алоҳида илмий муаммо сифатида қарашни талб қилади.

Суғд халқи мил.авв. IV-III асрларда Эрон салтанатида амал қилган орамий ёзувли маҳкамачилик анъанаси таъсирида орамий ёзувини суғд тилига мослаштириб, ўз алифбесини яратган. Бизгача етиб келган суғд ёзувли ёдгорликлар хронологияси мил авв. II асрдан бошлангани ҳолда, ёзувнинг мустақил тараққиёт йўли анча аввал бошланганини кўрсатади. Суғд ёзуви Орамий ёзуви йўлидан бориб, 22 ҳарфдан иборат алифбе асосида шаклланган. Лекин аждод орамий ҳарф белгиларининг бир нечаси суғд тили товуш тизимиға мос келмаган. Шу сабабли уларга суғд товушларини ифодалаш вазифаси юклатилган. Бу ҳолат суғд ёзуви алифбесининг мустақиллигини таъминлаган. Масалан, лом ҳарфи тил учи ва тиш оралиғи сирғалувчи қалин ва юпқа (жарангли ва жарангсиз) товуш жуфтлигини, тсадде товуши учун ишлатилган ҳарф ч товушини ифодалаган. итқи билан тау ҳарфлари вазифалари аралашиб кетган ва ҳоказо.

Суғдларнинг Буюк ипак йўлларидағи фаол савдогарлик фаолияти туфайли уларнинг ёзуви ҳамда тили аста секин ҳалқаро мулоқот воситалари сифатида мустаҳкам ўрин эгаллай бошлаган. Бунинг далили шуки, суғд ёзма ёдгорликларининг аксарият кўпчилиги Марказий Осиёнинг барча кенгликларидан топиб ўрганиб келинмоқда. Суғд ёзуви амал қилган худудлар географияси Марв воҳасидан бошлаб Жанубий Қозоғистон, Еттисув ўлкаси, Олтой минтақаси, Шарқий Туркистон (ҳозирги, Хитой халқ республикасининг Шинжон автоном райони), Мўгулистон, Тибет, Хинд дарёсининг юқори оқимиғача ёйилган.

Суғд ёзуви ёдгорликларининг катта микдори Шарқий Туркистондан топилгани алоҳида таъкидланиши лозим. Бу минтақа қадим замонлардан бошлаб Ўрта Осиёнинг Хитой билан алоқалари орасида боғловчи бўғин бўлиб келган. Бу минтақадан ўтган XIX аср охири-XX аср бошларида умумсуғд алифесида ҳамда сурёний ва моний ёзувида ёзилган катта микдордаги суғд ёзуви ёдгорликлари топилгпн. Улар ҳозир Париж, Санкт-Петербург, Берлин, Лондон қўлёзмалар хазиналарида сақланмоқда. Суғд ёзма ёдорликлари тадқиқотлари тарихий манбашунослик, тиљшунослик, адабиётшунослик, диншунослик, фалсафа ва бошқа йўналишлардаги тадқиқотларга хизмат қилиб кельмоқда. Суғдшунослик тадқиқотлари тарихининг ўзи тарихшунослик нуқтаи назаридан алоҳида долзарб мавзу сифатида тадқиқотчиларини кутмоқда.

Суғд ёзма ёдгорликлари турли минтақаларда олиб борилаётган археологик изланишлар давомида ҳали хунуз топилмоқда. Сўнгги топилмалар қаторида Хўтсан яқинидан топилган турли шахсларнинг ўзаро мактубот ёзишмалари ҳамда молиявий ҳисоботлар, тилхат (vasiqalap)дан иборат бир туркум суғд ҳужжатлари алоҳида дикқатга сазовор. Бу ҳужжатларнинг мавзумиз жиҳатдан мухимлиги шундаки, уларнинг аксариятида бошлов формулалари суғд жамияти учун узоқ вақтлар давомида шаклланган анъаналар тўлиқ сақланган. Бу каби бошлов формулалари суғдшунослик тадқиқотларида кўп марта қайд этилган ва турли матнларнинг нашрлари билан боғлиқ эълон қилинган ҳамда илмий жиҳатдан изоҳланган. Бироқ муншаот ҳамда маҳкамачилик анъанасида бошлов формулаларининг ъир хилда барава амал қилиши масаласи назарий жиҳатлари алоҳида дикқат марказига кўйилмаган.

⁴ Страбон. География в 17 книгах. Пер. Г.А.Стратановского. Мо.-Л. Наука. 1964; Ариан. Поход Александра. Пер.М.Е.Сергеенко. М.-Л. 1962.

⁵ Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. Энциклопедический словарь. Ташкент. Фан. 1996.

Шундай қилиб, масалани 1932-1933 йилларда Тоҳикистоннинг Заҳматобод районидаги Муғқала ёдгорлигидан топилган сүғд ҳужжатлари мажмуи таркибидаги ҳужжатларнинг бошлов формулалари намуналаридан бошласак. Масалан, А-14 рақамли ҳужжатнинг бошлов формуласи қўйидагича: “Ҳукмдор жаноби олийлари, буюк таянчимиз, Суғд подшоси ва Самарқанд ҳокими Деваштичга ул (зоти олийларининг) миллионинчи даражали қули Фатуфарндан мурожаатнома. Ва жаноб...”⁶.

Б-7 рақамли мактубда “Кштут ҳокими Виштам жанобларига (ул зотнинг) қули Мартшкат ҳокимидан мурожаатнома” деган жумла бошлов қилинган⁷.

А-15 рақамли ҳужжатдаги бошлов: Азатгрив ҳоким жанобларига таъзимларимиз бўлсин. Бахту саодат билан яшаб турган экансизки, сизга ҳурмат ила (мурожаат этмоқдамиз). Бизда бир муҳтоҷлик....;

Б-18: Буюк таянчимиз фармондор Аватга унинг ўз қули Изровадк қишлоғи ҳокими Хуфарндан даракнома. Улуғ бахту саодатла (яшабтурган) жанобимга таъзимларим(бўлсин).

В-15: Буюк таянчимиз Бузраводк ҳокимиа унинг қули Портанч ҳокими Реваҳшёндан мурожаатнома;

Б-16: Крут қишлоғи ҳокими буюк таянчимиз Эртай жанобларига у зотнинг жиянлари (хоҳарзодаси)дан мурожаатнома ва сиз, шарафли (зотга) кўпдан кўп таъзимларимиз бўлсин. Ва жаноб, сиз ўйламангки, агар мен сизнинг ёнингизда бўлмасам ёки сиз ўзингиз менинг ёнимга келмасангиз, менинг баҳтсиз ҳаётимни бирор чора бўлармики енгиллатира олмайди. ... Ва ниҳоят ... фалончадан хабар келди...;

Муғ қальясидан топилган акарият буйруқномаларда ҳам шу каби мурожжат шакллари кўлланган. Бу ҳол эпистоляр жанр мурожаат формуласи маҳкамачилик иш юритиш ҳужжатчилигига ҳам таъсир кўрсатган. Панч ҳукмдори Деваштич номидан йўлланган бир қатор расмий буйруқлар ҳам бошлов формуласига кўра мактубот шаклини тақорорлаган. Масалан, Муғ тоғи ҳужжатларидан А-3, В-3, А-18, А-2, А-16 ва бошқаларда бошлов формуласиниг икки варианти келган: “Суғд подшоси Самарқанд ҳукмдори Деваштичдан фармондор Аватга. Салом...”

Кўриб чиқилган бошлов формулаларининг айнан ўзи ёки мақтов сўзлари янада бойитилган шакллари Хўтандан топилгни ҳужжатларда ҳам амал қилган. Бу ҳол эпистоляр жанр илк ўрта сарларда Суғдан ташқарида ҳам кенг амал қилганини кўрсатади. Масалан, Пекинда университет фондида сақланаётган ушбу ҳужжатларнинг 5-рақамли матнидаги бошлов формуласи қўйидагича:

буkh ZY ptškw'nh ZY βyw xwβw RBch 'nwth MN wyspn'c 2 'nwty msy'tr pryw 'xšnkw p'scyk xypd'wnta 3 'ny'n MN xypd L'-sp'xst pr 'sp's L'-pr'γ(')tb 4 šyrxwzk šyr''γδ'c kštry βntk txsyscβntk 5 ptškw'nh ZY RBprn γrβw nm'cyw kδ' 'šm'xw šyr'kw 'skwδ' 6 m'xw (wyšy)m ms m'xw pr βyy z'wr kw nwr myδ prm 'z-c't 's(kw)ym

A letter and respectful message to the noble lord, (my) great hope, 2greater than every hope, the dear, excellent, revered master 3–4Anyan. From his well-wisher (and) friend, who is without service (and) who has not arrived at service, (his) insignificant servant Takhsichvande, 5a respectful message and much homage (to your) honor. If you are well, 6we rejoice. We too, by God's help, are well up to the present day. 7Please don't worry on our account.

8-рақам остидаги Хўтан суғд матнининг бошлови:

⁶.Согдийские документы с горы Муг. Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А.Лившица. М.: 1962. Энди қаранг: Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. СПбг. 2008. Раздел Письма. Документ А 14.

⁷. Б 15, А 18, Б18, В 15, В 16 ва б. матнлардан мисоллар ҳам ўша асардан олинди.

prw RBkw cyn'kh [δykh Z]Y ptškw'nh 2 'kw βyh xwt'ynh [RBch 'nwth cnn wys](pn)'cyw 'nwyty 3 [ms]y['t]r ZY cnn wyspn'cyw ''δ' 'yw (γw)[’nc](yk)str yr'n 4 [ptst'](t) ptβyw-'yšc('nc)ha δ(β')(mpnw)h ...]....[] syh s'r [?ptškw'n]h cnn c'nkš' šyr (γrβ)w 'psy ZY wp'rs 7]s'r prw prn(h zwk) 'yc'tw (pr'γ)tyšt' 8 '](M)a xy'std pr('y)w rty '(z)w š(y)r w(γš'm) 9]š(yra)kw(n'a)[](k) ptyδ 10] With great desire [to see her(?) I send(?) a letter an]d respectful message 2to the noble lady, [the great hope, greater than eve]ry hope 3and more necessary than everyone, the mighty 4[support], the honorable mistress 5. . . 6[. . . a respectful message] from the zhangshi, very many questions and inquiries. 7[If] you have arrived at . . . in (high) honor, healthy (and) rested, 8together with . . . , then I rejoice very much. 9. . . do /did(?) well(?) . . . contempt 10. . . and ..⁸.

Хўтан сүғдий матнларини нашр қилган муаллифлар хитойлик олим Би Бао ҳамда англиялик Н.Симс-Вильямслар ушбу бошлов формулаларини бир қатор “миллий сүғдий” ҳамда сурёний ва моний ёзувли сүғдий матнлардаги намуноалари билан қиёслаб кўрсатишган. Бирок бу муаллифларнинг мақсади сүғд муншаоти бошлов формулаларини тадқиқ этиш эмас эди. Ҳолбуки, сүғд муншаотчилик анъаналари чуқур тарихий илдизга эга маданий ҳодиса сифатида алоҳида дикқатга сазовордир.

8. Инглиз тилида келтирилган мисоллар Хўтан сүғд ёзма ёдгорликларининг “Sogdian documents from Khotan, II: Letters and Miscellaneous Fragments” номли нашри асосида берилди. Муаллифлар: Bi BO and Nicholas Sims-Williams. Renmin University of China, Beijing / School of Oriental and African studies, London // Journal of the American Oriental Society 135.2 (2015). Pp. 261-282.